


Юртимизда яшил ҳудудларни ташкил этиш, маҳалла, кўча ва ҳиёбонларни кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.



Ўзбекистонда жорий йилнинг 20 октябридан 1 декабригача кўчат экиш бўйича долзарб 40 кунлик эълон қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 11-октабр куни ўтказилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар мавзусидаги видеоселектор йиғилишида маълум қилинган эди.

Қумқўрғон туманидаги “Янги шаҳар” маҳалласида ташкил этилган “Оналар бог’и”га Сурхондарё вилояти ҳокими о’ринбосари, Оила ва хотин қизлар бошқармаси бошлиғ’и З.Хидирова, туман ҳокимининг ўринбосари, Оила ва хотин қизлар бўлими бошлиғ’и Н.Жумаева ҳамда мас’ул ходимлар иштирок этди.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида о’тказилган “Янги Ўзбекистонни яшил маконга айлантирамыз” шиори остида мазкур бог’га тумандаги фаол хотин-қизлар ҳам ко’плаб мева ва манзарали дарахтлар экишди.